УЮШМАГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор
Жумабоев Оғабек Рустам ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 323-ўқув гуруҳи курсанти

Аннотация: Мақолада уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини такомиллаштириш масалалалари таҳлил қилинади аҳамияти ва усуллари ёритилади.

Калит сўзлар: Уюшмаган ёшлар, ҳуқуқбузарлик, умумий профилактика, ижтимоий назорат, профилактик чоралар.

Аннотация: В статье рассматривается значение и методы совершенствования взаимодействия между органами местной государственной власти в организации социальной профилактики. Анализируется взаимовлияние местных властей и инициативных структур для эффективного предотвращения социальных проблем, обеспечения безопасности граждан и реализации мер, направленных на развитие общества.

Ключевые слова: социальная профилактика, местная государственная власть, взаимодействие, социальная безопасность, развитие общества.

Дунё миқёсида аҳоли таркибида ёшларнинг сон жиҳатидан салмоғи ошиб бораётган ҳозирги шароитда уларни турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан энг катта авлод бўлиб, улар 2 миллиардни ташкил этмоқда. Жаҳон тарихида илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган[1].

«Ёшлар» тушунчасининг моҳияти ҳақида сўз борар экан, шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (14.09.2016 й.) қонунининг 3-моддасида «Ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслардир», дея ҳуқуқий таъриф берилган[2]. Демак, ёшлар аҳолининг ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1147 (14.10.2017).
[2] Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги 2016 йил 14 сентябрдаги қонуни // http://lex.uz.

қатлами бўлиб, мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳиссаси аҳолининг 58,8 фоизини ташкил этади[3].

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 1 январь ҳолатидаги маълумотларига кўра мамлакатимиз аҳолисининг 30,6 фоизи (9 млн 992 минг 413 нафари) ёш (14–30 ёшли)лардан иборат бўлиб, уларнинг 51 фоизини эркаклар ва 49 фоизини аёллар ташкил этади[4]. Ушбу ёшларнинг бир қисми таълим олиш, иш ёки бошқа турдаги фойдали меҳнат билан банд бўлган ҳолда жамият ҳаётида ўз ўрнига эгадир. Жамиятда яна бир тоифа ёшлар борки, улар «уюшмаган ёшлар», деб юритилади.

«Уюшмаган ёшлар» тушунчаси ҳақида сўз борар экан, ушбу ибора «уюшмаган» ва «ёшлар» сўзлари бирикмасидан ташкил топган. «Уюшмаган» сўзининг ўзаги «уюшиқ» бўлиб, унга ўзбек тилининг изоҳли луғатида «уюшган, жипслашган, аҳил», унга маънодош бўлган «уюшма» сўзига эса «бир мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилиш учун бирлашган кишилар ёки ташкилотлар бирлашмаси» мазмунида изоҳ берилган[5]. Демак, мантиқан олиб қараганда, «уюшмаган» сўзи «уюшиқ» ёки «уюшма» сўзларининг акси, яъни антоними бўлиб, «жипслашмаган, аҳил бўлмаган, муайян бир мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилиш учун бирлашмаган» маъноларини англатади.

Шу ўринда рус олими Д.М. Кафарованинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш керакки, бевосита уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида сўз юритишдан олдин, аввалambор, уюшмаган ёшларнинг ўзини, уларнинг онги, хулқ-атвори, ижтимоийлашув даражаси, шаклланиши, ривожланиши ва тарбиясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга[6].

«Уюшмаган ёшлар» – ўз мақсадини индивидуал тарзда, давлат ва жамиятда яратилган имкониятлардан фойдаланмасдан, примитив, нофаол тарзда самарасиз амалга ошираётган, ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишламайдиган ёшлар гуруҳини англатади. Бу тоифадаги ёшлар ўз мақсадини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасига эга бўлмайди. Уларда ижтимоий фаоллик, ҳуқуқий, сиёсий онг ва маданият даражаси паст бўлади. Уюшмаган ёшларга хос хусусиятлар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: ўз мақсадини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасига эга эмаслик; ижтимоий фаоллиги, сиёсий, ҳуқуқий онг ва маданият даражаси пастлиги;

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1147 (14.10.2017).

[4] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 1 апрелдаги 01/4-12-17/2-92-сонли хати билан юборилган статистик маълумотлар.

[5] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Тартибот–Шукр / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т., 2008. – 608 б.

[6] *Кафарова Д.М.* Криминологический анализ и профилактика общественно опасных деяний подростков, не достигших возраста уголовной ответственности: автореф….дис. канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 15.

ишламаслик ёки ўқимаслик (ҳарбий хизмат ва жиноий жазони ўтаётган шахслар бундан мустасно); тайин бир машғулотга эга бўлмаслик; салбий таъсирларга, шу жумладан «оммавий маданият» ва ёт ғоялар таъсирига берилувчанлик; ижтимоий ҳаётда муайян аниқ мақсадга эга бўлмаслик; ўн тўрт ёшга тўлганлик ва ўттиз ёшдан ошмаганлик. Шу ўринда уюшмаган ёшларга хос бўлган биргина хусусият, яъни ишсизликнинг салбий оқибатлари ҳақида тўхталганда айтиш керакки, у жиноятчилик билан бевосита боғлиқ бўлиб, уни озиқлантиради ва ўсишига хизмат қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллалар кесимида тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшларни аниқлайди, рўйхатини юритади, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, муайян касбга йўналтириш чора-тадбирларини амалга оширади». Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, уюшмаган ёшлар мамлакатимиз ёшларининг муайян салмоғини ташкил этувчи, ўзининг ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойиллиги, турли ёт ва зарарли ғояларга берилувчанлиги билан ижтимоий ҳимоя ва жамоатчилик назоратига муҳтож тоифаси бўлиб, улар билан доимий ва тизимли равишда профилактик чоратадбирларни амалга ошириш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, бу борада кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлигига таяниш, қолаверса, соҳага доир қонунчиликни замон талабларига мувофиқ тарзда такомиллаштириш асосида бу тоифа ёшларнинг сонини камайтириш, улар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга эришиш мумкин.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1147 (14.10.2017).
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги 2016 йил 14 сентябрдаги қонуни // http://lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1147 (14.10.2017).
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 1 апрелдаги 01/4-12-17/2-92-сонли хати билан юборилган статистик маълумотлар.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Тартибот–Шукр / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т., 2008. – 608 б.
6. *Кафарова Д.М.* Криминологический анализ и профилактика общественно опасных деяний подростков, не достигших возраста уголовной ответственности: автореф….дис. канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 15.